ЮБИЛЕЙ ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 144 (6005).

26 ИЮЛЬ

СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТИМИЗ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

ТОШКЕНТ области саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнатда катта зафар қучдилар. Саноат маҳсулотини реализация қилиш ва қўпчилик муҳим буюм турларини ишлаб чиқариш бўйича 1977 йил етти ойлик плани муддатидан илгари — 25 июлда тўла бажарилди.

Область саноатчилари қўлга киритилган бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун курашни янада қизитиб юбордилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ой охиригача яна ўнларча миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишга ваъда бердилар.

МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАР САРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ўзаро текшириш делегацияси 25 июль куни Тошкентдан Бокуга жўнаб кетди. Делегация ўзбек деҳқонлари билан мусобақадош қардош Озарбайжон пахтакорларининг фаолияти билан танишади. Делегацияга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Х. М. Мажидов бошчилик қилмоқда. Делегация составида илғор пахтакорлар, хўжаликларнинг агрономлари, партия, совет ходимлари, илмий муассасаларнинг вакиллари бор.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 25 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.

Калинин	0,7	89,3
Пискент	0,3	86,9
Бекобод	0,3	83,6
Қуйи Чирчиқ	0,1	82,8
Бўка	0,1	82,7
Оҳангарон	0,5	81,6
Оққўрғон	0,8	80,8
Ўрта Чирчиқ	—	80,6
Орджоникидзе	1,8	80,4
Тошкент	0,1	79,8
Чиноз	—	77,4
Юқори Чирчиқ	0,3	75,7
Янгийўл	—	70,9
Бўстонлиқ	0,4	67,4
Область бўйича:	0,4	81,7

РЕСПУБЛИКАНИНГ ШАХДАМ ОДИМЛАРИ

РЕСПУБЛИКА халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1977 йил биринчи ярмида бажарилиш якунлари чиқарилди. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида айтиладики, республика меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига кенг авж олиб кетган социалистик мусобақа асосида, СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси туфайли вужудга келган юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган бир вазиятда халқ хўжалигини ривожлантиришда, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини оширишда янгиданянги муваффақиятларга эришдилар.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг қўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,9 процентни ташкил этди.

Ярим йил мобайнида меҳнат унумдорлигини 2,5 процент ўсди. Ишлаб чиқаришни ўстиришнинг бешдан уч ҳиссасидан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Қорақалпоғистон АССР, барча областлар ва Тошкент шаҳри саноат маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик планини бажарди.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни кўрсатувчи маълумотлар келтирилади. Ана шундай маълумотлардан баъзилари қуйидагилар: йилнинг биринчи ярмида 17,1 миллиард киловатт-соат электр энергия; 2814,7 минг тонна минерал ўғит (шартли бирликларда); 3246 минг киловольт-ампер куч трансформаторлари; 3088 та компрессор; 12 мингта трактор; 18,6 мингта трактор прицепи; 10,8 мингта трактор культиватори; 4,6 мингта пахта териш машинаси (физик бирликларда); 711 та экскаватор; 2103 минг кубометр йиғма-темир бетон конструкция ва деталлар; 13 минг тонна қоғоз; 44,8 миллион сўмлик мебель; 45 мингта рўзғор холодильниги; 123 мингта газ плитаси; 932,4 минг тонна пахта толаси; 758,1 тонна хом ипак; 8,4 миллион дона устки трикотаж; 13,5 миллион жуфт чарм пойафзал ишлаб чиқарилди.

Йилнинг биринчи ярмида 54,6 минг тонна гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан); 192,3 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти сутга айлантириб ҳисобланганда (давлат ресурслари хом ашёсидан); 245,7 минг тонна ўсимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан); 91,2 миллион шартли банка консерва; 165,6 миллион сўмлик маданий-маиший ва рўзғор буюмлари комплект узеллар ҳамда деталларни қўшиб ҳисоблаганда ишлаб чиқарилди.

Республика Марказий статистика бошқармасининг ахборотида сўнгра бундай дейилади: 1976 йилнинг биринчи ярмига қараганда кўмир қазиб олиш ортди, пўлат қишлоқ хўжалик машинасозлиги маҳсулотининг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш кўпайди. Шойи газлама ва гилам маҳсулотлари, ўсимлик мойи, кондитер ва макарон маҳсулотлари сингари халқ истеъмоли моллари ва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам ошди.

Бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди, фойда олиш товар маҳсулотининг таннархини камайтириш шунингдек саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини белгиловчи бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам планлар ошириб бажарилди.

Шу билан бирга, дейилади ахборотда, республика саноати ишида камчиликлар ҳам содир бўлди. Олтингугурт кислотаси, дизеллар, марказдан қочирма насослар, цемент, бинокорлик ғишти, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар, ип газлама, чинни-фаянс идишлар ва маҳсулотнинг баъзи бир бошқа турларини ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди. Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тегишли турда ва сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини бажармадилар. Янгидан ишга туширилган баъзи қувватлар суст ўзлаштирилди.

Йилнинг биринчи ярмида халқ хўжалигига йилига салкам 50 миллион сўм миқдорида иқтисодий фойда келтирадиган 20 мингтадан кўпроқ ихтиро ва рационализаторлик таклифлари жорий этилди.

Олий категориядаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди.

1977 йилнинг 1 июлидаги маълумотларга кўра, 1039 та буюмга Давлат Сифат белгиси берилган.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, дейилади Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида, кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказдилар ва баҳори экинлар экишни қисқа муддатларда тугалладилар. 1977 йилда барча категориядаги хўжаликларда 3,8 миллион гектар майдонда қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилмоқда.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажара бориб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш ва улардан мўл ҳосил тўплаш юзасидан агротехника тадбирларини ўтказмоқдалар.

Ғаллакор хўжаликлар бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб олишни тугалламоқдалар.

Колхозлар ва давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамма жойда пичан ўриш ҳамда емхашак тайёрлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулдор чорва моллар ва парранда сони 1976 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан кўпайиб, 1977 йилнинг 1 июлида қорамоллар 1502,6 минг бош, шу жумладан сигирлар 377,3 минг бош, чўчқалар 271,8 минг бош, қўй ва эчкилар 6957,8 минг бош, парранда 16209,1 мингта бўлди.

Чорва ва парранда маҳсулдорлиги ошди. Биринчи ярим йил мобайнида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 процент кўп бўлди. Ҳар бир товуқнинг ўртача тухум қилиши 2 процент ортди.

Чорва ва паррандани давлат йўли билан ҳарид қилишнинг умумий ҳажми бўйича ярим йиллик план 122 процент, сут харид қилиш плани 115 процент, тухум харид қилиш плани 130 процент бажарилди.

Республика пиллачилари пилла етиштириш ва давлатга сотиш йиллик плани ва социалистик мажбуриятларини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 26,3 минг тонна пилла етказиб берилди.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ишларнинг бутун комплекси бўйича сарфланган давлат капитал маблағлари 815,2 миллион сўмни ташкил этиб, 1976 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 1,4 процент кўпайди. Ирригация-мелиорация қурилишига ва суғориладиган ерларни ўзлаштиришга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,6 процент кўп яъни 536,8 миллион сўм маблағ сарфланди.

Йилнинг биринчи ярмида республика қишлоқ хўжалигига умумий қуввати 506,8 минг от кучига эга бўлган 6969 та трактор, 3172 та юк автомобили ва ихтисослаштирилган автомобиль, 3341 та пахта териш машинаси, 540 та дон комбайни, 476 та силос комбайни ва 148 та маккажўхори комбайни, 3690 та трактор плуги, 6522 та культиватор, 3876 та сеялка, 1712 та косилка ва кўп миқдорда бошқа техника етказиб берилди.

Қишлоқ хўжалиги 2756 минг тонна минерал ўғит ва 5,2 минг тонна шартли бирликлардаги химиявий озуқавий қўшимча олди. Минерал ўғит етказиб бериш 1976 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 112 минг тонна кўп бўлди.

Урта Осиё темир йўлида юк ташиш ярим йиллик плани 103 процент, темир йўлнинг Ўзбекистон территориясида жойлашган бўлимларида 102 процент бажарилди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти юк ташиш ярим йиллик планини 103 процент, юк оборати планини 102 процент бажарди. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси республика халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиш ишлари планини 106 процент бажарди, шу ишларнинг ҳажми 3 процент кўпайди.

Алоқа корхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) маҳсулотнинг умумий ҳажми юзасидан белгиланган ярим йиллик планни бажарди; 1976 йилнинг шу даврига нисбатан алоқа маҳсулотининг ҳажми 7 процент кўпайди.

Йилнинг биринчи ярмида республикада давлат маблағи ҳисобига 965 миллион сўмлик, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 процент кўп асосий фондлар ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигида давлат маблағи ҳисобига 29,9 минг гектар ер экинзорга айлантирилди. 110 гектар янги яйловга сув чиқарилди, илгари сув чиқарилган 302 минг гектар яйловдаги сув хўжалиги иншоотлари реконструкция қилинди, 36 минг гектар мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 29,5 минг гектар мавжуд суғориладиган ер яхшилаб текисланди, 35,6 минг гектар ердаги суғориш системалари қайта қурилди ва унинг сув таъминоти яхшиланди. Сут етиштириладиган чорвачилик комплекси, молхоналар, шунингдек тухум етиштириладиган паррандачилик фабрикалари ишга туширилди.

Халқ хўжалигига 1 миллиард 805 миллион сўмлик давлат капитал маблағи сарфланди.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 процент ортди.

Республика халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчилар сони ярим йил мобайнида ўрта ҳисобда 3 миллион 478,4 минг кишига етди ва 1976 йилнинг шу даврига нисбатан 3,9 процент кўпайди.

1977 йилнинг биринчи ярмида ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 137,1 сўмга етди. Ижтимоий ишлаб чиқариш фондидан олинадиган тўловлар ва имтиёзлар ҳам қўшиб ҳисоблаганда иш ҳақи 202 сўмдан ошиб кетди.

Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 6 процент ортди.

Аҳолининг ижтимоий истеъмол фондларидан олган тўлов ва имтиёзлари 1977 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,2 процент кўпайди.

Аҳолининг омонат кассаларидаги омонатлари йилнинг биринчи ярмида 15,6 процент, омонатчиларнинг счетлари миқдори 8,5 процент ортди.

Давлат ва кооператив савдоси чекана товар оборотининг умумий ҳажми умумий овқатланишни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 1977 йилнинг биринчи ярмида 3894 миллион сўмга етди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,1 процент кўпайди. Товар обороти умумий ҳажми ярим йиллик плани 101,4 процент бажарилди.

Товар обороти ва мол сотиш кўпайганлигига қарамай, дейилади ахборотда, аҳолининг айрим молларга бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжи ҳали тўлатўкис қондирилгани йўқ.

Республика аҳолисига кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажмининг ярим йиллик плани 101 процент, шу жумладан қишлоқ жойларида 103 процент бажарилди.

Республикада уй-жой ва маданий-маиший қурилиш кенг миқёсда олиб борилди. Давлат капитал маблағи ва уй-жой-қурилиш кооператив маблағи ҳисобигагина ярим йил мобайнида жами (фойдали саҳни) 1084 минг квадрат метр келадиган 19,8 мингта шинам квартира фойдаланиш учун топширилди. Бундан ташқари колхозлар ва аҳоли ўз маблағлари ҳисобига ҳамда давлат кредити ёрдами билан уйлар қуриб олишди.

Янги умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, касалхоналар ва поликлиникалар ҳамда бошқа маданий-маиший объектлар ишга туширилди.

Республикада шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шу йилнинг биринчи ярмида 59,2 мингта квартира газ билан таъминланди.

Халқ маорифини ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришилди.

Медицина ёрдами ва аҳолининг ташкилий дам олиши яхшиланди.

Ўзбекистон ССР аҳолиси 1977 йилнинг 1 июлида 14,7 миллион кишига етди.



ОҚҚЎРҒОН районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозда ғўзани машиналар ёрдами билан чеканка қилиш қизғин тус олди. Жумақул Пиримқулов бошлиқ бригаданинг звено бошлиғи У. Юсупов чеканка қилиш нормасини ошириб бажармоқда. Суратда: илғор механизатор У. Юсупов. Ҳ. Аввалов фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети «Ташкентзаготхлопкопром» бирлашмаси Пискент пахта тозалаш заводи коллективининг юбилей йили планини муддатидан илгари бажариш, пахта заводи ва тайёрлов пунктлари моддий-техника базасини 1977 йил пахта ҳосилини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашга ўз вақтида ҳамда сифатли қилиб ҳозирлаш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллади.

Пахта тозалаш заводлари директорлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарларига бригадалар, участкалар, сменалар ва цехлар коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришлари учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш таклиф этилди.

Шаҳар ва район партия комитетлари, пахта тозалаш саноати корхоналари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига Пискент пахта тозалаш заводи коллективи ташаббусининг маъноси ва аҳамиятини тушунтириш бўйича кенг иш олиб бориш вазифаси юклатилди.

Тўқимачилик ва енгил саноат ишчилари касаба союзи область комитетига социалистик мусобақани ташкил этишда илғор ишлаб чиқариш тажрибасини кенг жорий қилишга, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш натижаларини вақти-вақтида текшириб туриш ва якунлашга, мусобақа натижаларининг кенг ошкорлиги ва таққосланишини таъминлашга катта эътибор бериш таклиф этилди.

Область ва район газеталари, телевидение ва радио эшиттириш редакциялари зиммасига пахта тозалаш заводлари, бригадалар, участкалар, цехлар коллективлари мусобақасининг боришини кенг ёритиш вазифаси юклатилди.

ПИСКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ БАРЧА ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Пискент пахта тозалаш заводи коллективи бутун совет халқи каби КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Корхона коллективи КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари, СССР янги Конституцияси лойиҳасини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар.

Пискент пахта тозалаш заводи меҳнаткашлари самарадорлик ва сифат беш йиллиги ҳисобланган ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун курашга қўшилиб, 1976 йил давлат планини муддатидан илгари 3 декабрда бажардилар. Ҳамма маҳсулот юксак сифат категориясида чиқарилди. 1976 йилда социалистик мажбуриятлар барча кўрсаткичлар бўйича тўла адо этилди.

Завод коллективи йил давомида пахтани тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича янги техника ва илғор технологияни жорий қилишга қаратилган катта ишларни амалга оширди. Шу давр мобайнида заводнинг қуритиш-тозалаш цехи табиий газ билан ишлашга ўтказилди. Керовчи пахта тайёрлаш пунктида областда биринчи бўлиб пахтани айрим-айрим бригада усулида қабул қилиш ташкил этилди. Корхонада тола чиқиндиларини қайта ишлашнинг ҳалқа схемаси жорий қилинди, шунингдек ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида ишловчи ем тайёрлаш цехи фойдаланишга топширилди.

Завод коллективи юбилей йилида зиммасига оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилди:

— 10 ойлик план 1977 йилнинг 20 октябригача, йиллик план эса 20 декабргача бажарилади;

— пландагидан ташқари 1 миллион 640 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 1976 йилдагига нисбатан 2,4 процент бўлиши таъминланади, ишловчиларнинг малакасини ошириш, технологияни янада такомиллаштириш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади;

— йиллик пландагидан ташқари 500 тонна пахта толаси, 150 тонна момиқ ишлаб чиқарилади, маҳсулот таннархи 300 минг сўмлик камайтирилади;

— меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни муттасил такомиллаштириш, меҳнатни илмий ташкил этиш планларини кенг жорий қилиш, моддий ва меҳнат ресурслари сарфини ҳар томонлама камайтириш, рентабеллиликни ошириш асосида пландагидан ташқари 300 минг сўмлик фойда олиш таъминланади;

— тола ва момиқнинг ҳаммасини юксак сифат категориясида ишлаб чиқариш таъминланади, иқтисодий тежамкорлик режимига қатъий амал қилиш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига 120 тонна пахта, 1 минг квадрат метр ўраш газламалари, 2 тонна пўлат сими ва лентаси, 110 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинади.

Тайёрланаётган пахта сифатини янада яхшилаш мақсадида 2 та тайёрлов пунктида пахтани қабул қилиш бўйича айрим-айрим бригада ташкил этилади. Заводнинг тозалаш цехида чангни ушлаб қолувчи камера қурилади. Шунингдек:

— ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 70 киши иқтисодий ўқувга жалб қилинади, 50 янги ишчи тайёрланади ва 50 ходимнинг малакаси оширилади;

— йилига шартли 12 минг сўм иқтисодий самара келтирадиган 14 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинади;

— топширилаётган пахта намуналарини олиш ва сифатини баҳолаш қоидалари бўйича колхоз ва совхозларнинг пахта топширувчи вакиллари ва тайёрлов пунктлари классификаторларининг биргаликда ўқуви ташкил этилади;

— пахта тайёрлаш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари ва механизация воситаларини капитал ремонт қилиш муддатидан илгари 1977 йилнинг 1 августигача, пахта заводи ремонти эса 20 августгача «аъло» баҳолар билан тугалланади; тайёрлов пунктларининг 1977 йил пахта ҳосилини ҳар куни йиллик планнинг ками билан 10—12 процент миқдорида пахта қабул қилишга тайёрланиши таъминланади.

Биз Сиз, қадрли пахтакорларга мурожаат қиламиз!

Пахта толаси, демак тўқилган газламаларнинг сифати кўп жиҳатдан сизга боғлиқ. Бунинг учун ғўзани дефолиация қилишни пахта ўтказинг, далаларни бегона ўтлардан тозаланг, пахта хом ашёсига мой тегиб қолишига, унга латта парчалари ва бегона нарсаларнинг аралашиб кетишига йўл қўйманг.

Биз Сиз, тайёрлов пунктлари ходимларига мурожаат қиламиз!

Ҳозирги кунда сиз ва бизнинг вазифамиз тайёрлов пунктларини, механизация воситалари ва қуритиш-тозалаш цехларини 1977 йил пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга ўз вақтида ва юқсак сифатли ҳозирланишини таъминлашдан иборат. Пахтани сақлаш ва ташишда бузилиши ва нобуд бўлишига сира йўл қўймаслик керак.

Қуритиш, тозалаш, пахтани жинлаш, чигитдан момиқни ажратиб олиш, маҳсулотни пресслашнинг технология режимига қатъий амал қилинг. Пахта қайта ишланаётганда нобуд бўлишига йўл қўйманг. Тола ва момиқнинг фақат юксак сифат категориясида чиқарилишини таъминланг. Ишлаб чиқаришдан чигитнинг жуда ҳам тоза чиқишини таъминланг. Пахта тойининг ўртача вазнини кўпайтириш ҳисобига тара, ўраш материаллари, пўлат лента ва симларнинг тежалишига эришинг.

Биз Сиз, пахта тозалаш заводлари ишлаб чиқариш бригадаларининг смена мастерларига мурожаат қиламиз!

Пахтани қайта ишлаш технологияга интизомга қатъий амал қилинг, асбоб-ускуналарнинг юксак унум билан ишлашини ва маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишини таъминлашга эришинг.

Биз Сиз, қадрли ремонтчиларга мурожаат қиламиз!

Технология ва энергетика асбоб-ускуналарининг юксак сифатли капитал ва профилактик ремонт қилишни таъминланг.

Биз Сиз, хом ашё ва тайёр маҳсулот бўлимлари ходимларига мурожаат қиламиз!

Пахтани бир хил кўрсаткичлар, ифлослиги ва намлигига қараб комплектлашишни таъминланг. Темир йўл вагонларига техник нормаларга мувофиқ юк ортилишини таъминланг, транспортнинг пландагидан ташқари туриб қолишига йўл қўйманг.

Пискент пахта тозалаш заводи коллективи юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатади ва ўзининг бутун кучи, маҳоратини пахтани сифатли тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар этади.

Мурожаат Пискент пахта тозалаш заводи коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилди ва қабул қилинди.

ЎЗБЕК ДИЁРИДАГИ ҚАРДОШЛИК УЧРАШУВЛАРИ

МАМЛАКАТНИНГ пахтакор республикалари — Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон вакиллари юбилей йили социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини текшириш учун 25 июль куни Ўзбекистонга келдилар. Мусобақадош дўстлар яхши анъанага кўра пахтадан мўл ҳосил тўплаш учун курашнинг ҳал қилувчи босқичида ўзаро текширув ўтказиб турадилар. Қардошлик учрашувлари қишлоқ меҳнаткашларини илғор тажриба билан бойитади, экин ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун ҳамма имконият ва резервлардан тўлароқ фойдаланишларига ёрдам беради.

Тошкентга келган Озарбайжон пахтакорлари делегациясига Озарбайжон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Г. Рустамов бошчилик қилмоқда. Делегация Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Наманган областларининг колхоз ва совхозларида бўлади.

Тожикистон ССР Тайёрлаш министри У. Я. Яхшибоев бошчилигида Тожикистондан ўзаро текшириш бригадаси Сурхондарё областининг Сариосиё районига келди. Меҳмонлар группа-группа бўлиб Сурхондарё областидан ташқари Андижон, Фарғона ва Сирдарё областларининг хўжаликларига ҳам борадилар.

Қардош Туркманистон ваколлари Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё областларидаги колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ишлари билан танишадилар. Қорақалпоғистоннинг Хўжайли районидаги далаларни кўришдан иш бошлаган шу ўзаро текшириш бригадасига Туркманистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри К. Сахатмуродов бошчилик қилмоқда.

(ЎзТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА РАҲБАРЛИК АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Л. ПЕКАРСКИЙ,

СССР Госплани ҳузуридаги экономика илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими.

СОВЕТ Иттифоқи ўзи ташкил этилганидан бошлаб ижтимоий ишлаб чиқаришни халқ хўжалик планлари асосида уюштираётган дунёдаги биринчи давлатдир. Коммунистик партия раҳбарлигида меҳнаткашлар сиёсий ҳокимиятни қўлга киритганлиги, Совет давлатининг барпо этилганлиги — планлаштиришнинг сиёсий негизидир. Ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик ижтимоий мулклиги — планлаштиришнинг иқтисодий негизидир.

Социалистик мулкчилик СССР иқтисодий системасининг негизи бўлиб халқ хўжалигини ривожлантиришга ва социал маданий қурилишга онгли, планли раҳбарлик қилиш социализм шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадини — кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат мақсадни оғишмай амалга ошириш учун объектив имконият яратиб беради.

Октябрь ватанимнинг ютуқлари — хўжаликнинг социалистик планли системаси социал иқтисодий тараққиёт тарихда мисли кўрилмаган суръатларини таъминлаганлигини яққол исботлаб турибди. 1976 йилда мамлакатнинг миллий даромади революциядан аввалги даражага нисбатан 65 баравар кўпайди. Ҳозир амалдаги Конституция қабул қилинганидан кейин ўтган вақт мобайнидагина, яъни кейинги 40 йил ичида СССРнинг миллий даромади 18 баравар, саноат маҳсулоти эса 29 баравар ошди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни планли ташкил этишнинг афзалликлари Совет Иттифоқининггина эмас, бошқа қардош мамлакатларнинг ҳам тажрибаси билан жуда яққол исботланган. Иқтисодий жиҳатдан тараққий этган капиталистик давлатлар 1951—1975 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқаришини уч баравардан сал кўпроқ оширган бўлса, социализм мамлакатларида эса бу кўрсаткич 11 баравар ошди. Ҳозирги вақтда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатларда ер юзи аҳолисининг 10 процентидан ҳам камроғи яшаётганлигига қарамай, жаҳон саноат маҳсулотининг тахминан 33 проценти ва миллий даромаднинг 25 проценти уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Хўжалик бошқарувининг марказий бўғини бўлган планлаштириш, у амал қиладиган асосий принциплар ССР Иттифоқи янги асосий Қонунининг лойиҳасида акс эттирилган: «Экономикага раҳбарлик,—дейилади СССР Конституцияси лойиҳасининг 15-моддасида, — халқ хўжалигини ва социал маданий қурилишни ривожлантиришнинг давлат планлари асосида, тармоқ ва территориал принципларни ҳисобга олган ҳолда, марказлаштирилган раҳбарликни корхоналарнинг, бирлашмалар ва бошқа ташкилотларнинг хўжалик юритишдаги мустақиллиги ва ташаббускорлиги билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бунда хўжалик ҳисоби, фойда, таннарх актив ишга солинади».

КПССнинг совет жамияти ва давлатидаги раҳбарлик ҳамда етакчилик ролига СССР Конституция лойиҳасида берилган кенг характеристика совет жамиятига раҳбарликнинг илмий даражаси тўхтовсиз ошиб бораётганлигининг умумий йўналишини акс эттиради. КПСС XXV съезди экономикани бошқаришни, бутун хўжалик механизмини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар комплекс программасини белгилаб берди. Хўш, съезд томонидан планлаштириш олдига қўйилган вазифалар нималардан иборат? Бу — куч ва ресурсларни энг муҳим умумдавлат программаларини бажариш учун жамлаш, тармоқ ва территориал ривожланишни, перспектив ва жорий проблемаларни моҳирлик билан қўшиб олиб бориш, экономиканинг балансланишини таъминлашдан иборатдир. Ана шу вазифалар планли бошқаришнинг мустаҳкам ленинча принциплари негизида амалга оширилмоқда.

Централизм билан демократизмни бир-бири билан диалектик боғлаш тўғрисидаги қоида социалистик экономикани ташкил этиш ҳақидаги ленинча таълимотнинг ўзагидир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, социалистик жамият нақадар етук бўла борган сари, бу жамият коммунизм сари нақадар олға ҳаракат қила борган сари меҳнаткашларнинг ижтимоий ишларни ҳал этишдаги активлиги шу қадар юқори бўлади, демократик централизмнинг ленинча принципи тўлароқ амалга оширилади. Коммунистик қурилишнинг бу қонунияти СССР Конституцияси лойиҳасида аниқ ифодасини топган. Лойиҳада социалистик демократияни янада авж олдириш совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир, деб таъкидланган. Янги Конституциянинг амалга оширилиши, деб уқтирилди КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида, бизнинг бутун давлат ва хўжалик фаолиятимизни, ҳокимият ва бошқарув органларининг бутун ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш керак.

Планли раҳбарликда централизм зарур ва қонуниятлидир, чунки у социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришга унинг олий мақсадини планли равишда амалга ошира бориб яхлит бир организм сифатида онгли раҳбарлик қилиш имкониятини беради. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўртага қўйилган мақсадларга имконни борича, қисқа муддатларда ва энг кам меҳнат сарфлаб эришиш учун иқтисодий ўсишнинг суръат ва пропорцияларини илмий жиҳатдан оптималлаштиришнинг аҳамияти ошмоқда. Балансланишни иқтисодий тараққиётнинг узлуксизлиги билан қўшиб олиб бориш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни кучайтириш эҳтиёжларини ҳар томонлама ҳисобга олиш оптимал планнинг асосий афзаллигидир.

Хўжалик вазифаларини марказлаштирилган тарзда ҳал қилишни оптималлаштириш имкониятлари анча кенгайиб бормоқда, чунки КПСС XXV съезди йўл-йўриқларига мувофиқ турли муддатларга мўлжалланган планлар системаси айни бир вақтда ишлаб чиқилмоқда. Булар — СССРни узоқ истиқболни мўлжаллаб шу асрнинг охиригача бўлган муддат ичида иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, беш йиллик ва жорий (йиллик) планлардир. Шундай қилиб КПССнинг социал-иқтисодий снёсатига амал қилиб яхлит план перспективасининг босқичлари сифатида беш йиллик планларини тузиш имконияти туғилади.

Шундай шароитларда меҳнаткашларнинг цех, завод, бирлашмагагина эмас, тармоққа ҳам, унинг халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш ишидаги имкониятларига тааллуқли бўлган планни қабул қилишда омилкорлик билан иштирок этиши тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шунга мувофиқ халқ хўжалиги планларини уюштириш, ишлаб чиқиш «технологиясининг» ўзи такомиллаштирилмоқда. Корхоналар, маҳаллий, республика органлари, министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари лойиҳасига ҳар қандай кўлам ва аҳамиятдаги таклифларни таёрлаш, планни тузишнинг ҳамма босқичларида қарорлар қабул қилишда иштирок этиш учун кенг имкониятларга эга.

Коммунистик партия билан совет давлати миллатларнинг қардошлик иттифоқи ва ўзаро ёрдами ленинча гояларини оғишмай амалга ошириб, барча иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаларини бараварлаштиришни таъминладилар. «Бизнинг мамлакатимизда, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленумида, — миллатларнинг тенглиги юридик ҳақиқатгина бўлмай, балки амалда ҳам ҳақиқатга айланди. Бизнинг барча республикаларимиз, жумладан илгари иқтисодий ва маданий жиҳатдан орқада қолган республикалар ҳам эндиликда юксак ривожланиш даражасига эришдилар. Айни вақтда ҳар бир республиканинг экономикаси ягона халқ хўжалик комплексининг ажралмас қисмига айланди».

Асосий қонун лойиҳасида марказий, республика ва маҳаллий давлат органларининг, министрликлар ва идораларнинг ваколатлари аниқланган. Бу — бошқарувнинг ҳамма бўғинларига халқ хўжалигини планлаштиришда актив қатнашиш, табиий ва меҳнат ресурсларини хўжалик оборотига самарали тарзда жалб этишга, территориал меҳнат тақсимоти афзалликларидан максимал фойдаланишга кўмаклашиш, республикаларнинг ривожланаётган хўжаликларини мамлакатнинг ягона иқтисодий организми доирасида маҳкамроқ кооперациялаш имконини беради.

Кейинги йилларда табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ер, сув, минерал ресурслари ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган бир қанча қарорлар ва қонун актлари қабул қилинди. Янги асосий қонун лойиҳасида табиатни асраш ва унинг бойликларини муҳофаза қилиш вазифаси Конституция талаби даражасига кўтарилдики, бу — совет давлати инсонпарварлик моҳиятининг ёрқин далилидир.

КПСС XXV съезди планли раҳбарликда хўжалик ҳисоби, фойда, нарх-наво, мукофотлар сингари стимул ва воситалардан тобора моҳирлик билан фойдаланиш вазифасини қўйди. Ҳозирги вақтда коллективларнинг хўжалик ҳисоби манфаатдорлиги ва масъўлиятини ишкинг пировард натижаларига боғлиқ қилиб қўядиган, яъни ижтимоий эҳтиёжларни қондирадиган кўрсаткичлар ва нормативларни шакллантириш энг актуал проблемалардан бири бўлиб қолмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларида планлаштиришнинг программа — тармоқ методидан тобора кенгроқ фойдаланишга алоҳида эътибор берилган. Бундай планлаштириш мазкур план программасининг мақсадларини, уни амалга оширишнинг самарали ва ўзаро боғлиқ йўллари ҳамда воситаларини аниқ равшан белгилаб олишни кўзда тутади.

Ҳаётимизнинг қонуни — ҳамманинг ҳар бир киши бахт-саодати тўғрисида ва ҳар бир киши ҳамманинг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиши СССР Конституцияси лойиҳасининг келгуси қатъий зарба берганлигини маълум қилди. Чегара посбонлари жавоб тариқасида ўт очиб, жазо отрядларининг аскарларига катта талафот етказдилар ва улар доим ҳужум бошлаб турган лагерни тамомила яксон қилдилар.

Зимбабве ватанпарварларининг миллий озодлик йўлидаги курашини қатъий қўллаб-қувватлаётган Замбия республикаси Солсбери режимининг тўхтовсиз давом этаётган иғвогарлиги учун бир майдон бўлиб қолди. Кейинги икки ҳафта ичидагина Смит ҳарбийларининг 4 марта қилган агрессив ҳужуми даф этилди. Президент Кеннет Каунда яқинда Замбия Родезия билан аслида уруш ҳолатида турибди, деб эълон қилди ва халқни мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга чақирди.

«Замбия дейли мейл» газетаси Смит тўдасининг навбатдаги ҳуружи бардош бўлганлигини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: Замбия халқи озодлик йўлидаги курашда Зимбабведаги ўз қардошларига ёрдам бериш каби муқаддас бурчига содиқ бўлиб қолмоқда.



ЯХШИ ДАМ — ЎҚИШГА ҲАМДАМ

Янгийўл шаҳар халқ маорифи бўлими ходимлари меҳнаткашлар фарзандларининг пионер ёзини кўнгилли ўтказишлари учун барча шароитни яратиб беришган.

Шу кунларда 670 ўқувчи мактаблар ҳузурида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларида, 350 дан зиёд ўқувчи Қуйи Чирчиқ район «Меҳнат-роҳат» лагерида ҳордиқ чиқармоқда.

450 ўқувчи қувноқ пионер ёзини бу йил шаҳар марказида ташкил этилган Дубинин номли пионер лагерида ўтказади. Ҳар сменада 150 пионернинг дам олишига мўлжалланган бу лагерь шаҳар марказидаги энг сўлим ва ҳушманзара Пушкин номли маданият ва истироҳат боғига жойлашган.

Лагерь бошлиғи Д. М. Аппозова, тарбиячилар М. Ю. Тошматов, З. А. Азизова, А. Аюкиналар раҳбарлигида тез-тез экскурсиялар уюштирилмоқда, спорт мусобақалари ташкил этилляпти. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Т. ЮСУПОВ.

Усмон МАҲКАМОВ Янгийўлдаги биохимия заводининг илғор ишчиларидан ҳисобланади. Операторлик касбини пухта эгаллаган бу меҳнатсевар ишчи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, нормани 120—130 процентдан бажармоқда. Суратда: оператор У. Маҳкамов иш устида.

И. Глауберзон ва В. Си роткин фотоси.

ТОШКЕНТ-ИВАНОВО

МЕҲНАТ МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

ТОШКЕНТ ВА ИВАНОВО ОБЛАСТЛАРИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛ ЯНВАРЬ—ИЮНДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

	ОБЛАСТЛАР Тошкент	Иваново
САНОАТ		
Реализация планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	103.0	101,1
Пландагига қўшимча реализация (миллион сўмлик)	70,3	31,1
Реализация планини бажармаган корхоналар сони	12	39
Саноат ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан ўзгариши (процент ҳисобида)	101,1	99,8
Меҳнат унумдорлигини ошириш (процент ҳисобида)	104,2	102,1
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар сони	51	59
Калава ишлаб чиқариш планини бажариш проценти	95,6	100,2
Газмол ишлаб чиқариш планининг бажарилиши	96,9	99,7
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
1-январ йилликда барча категориядаги хўжаликларда чорвачиликнинг асосий турлари бўйича харид планининг бажарилиши (процент ҳисобида):		
қорамол ва парранда	119,5	85
сут	118,5	107
тухум	133,8	142
1977 йил январь—июнида колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва қорамоллар маҳсулдорлиги:		
Тирик вазнда ғўштга топширилган қорамол ва парранданинг асосий турлари (минг тонна)	17,4	239,3
1977 йилнинг январь—июнида 1976 йилнинг январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	102,2	92
Ялпи сут соғиб олиш (минг тонна)	66,0	196,9
1977 йилнинг январь—июнида 1976 йил январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	106,3	120
Товуқ тухуми етиштириш (миллион дона)	120,3	146,8
1977 йилнинг январь—июнида 1976 йил январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	136,9	123
Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут (килограмм)	1598	1278
1977 йил январь—июнида 1976 йил январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	104,0	115
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум (дона)	94	114
1977 йил январь—июнида 1976 йил йил январь—июнига нисбатан процент ҳисобида	105,6	94
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ		
Марказлашган капитал маблағлар ҳисобига амалга оширилгани		
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	89	86
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	95	86
Турар-жойга капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши (процент ҳисобида)	92	90
САВДО		
Давлат ва кооператив савдоси товар оборотн планининг бажарилиши. Умумий овқатланиш ҳам шу ҳисобга киради (процент ҳисобида)	100,8	99,2
Чакана тармоқ товар оборотн	100,7	98,9
Умумий овқатланиш товар оборотн	101,6	101,3
МАИШИЙ ХИЗМАТ		
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиши	101,0	100,4

Дунё овози — чет эл хабарлари

БУТУН ЖАҲОН УЧУН ЖУДА МУҲИМ ВОҚЕА

ЛОНДОН. 25 июль. (ТАСС). Жанубий Африка коммунистик партиясининг раиси Юсуф Муҳаммад Дадунинг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида маъқулланган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР Конституцияси лойиҳаси Совет Иттифоқи халқлари учунгина эмас, бутун дунё халқлари учун ҳам жуда муҳим воқеадир. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрам қилинадиган йилда умумхалқ муҳокамасига қўйилган бу ҳужжат совет халқининг 1917 йилдан кейин Коммунистик партия раҳбарлигида ва марксизм-ленинизм принциплари асосида эришган буюк муваффақиятларини акс эттиради, деб уқтириб ўтилади баёнотда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси совет халқигагина эмас, бутун инсониятга ҳам катта наф келтирди. Бу революция бир вақтлар бутун дунёни қамраб олган темир пардани парчалаб ташлади ва бошқа кўп мамлакатлар учун социализмга бориш йўлини, империализм мустамлакаларида асоратга солинган халқларнинг озод бўлиш йўлини очиб берди, дейилади сўнгра баёнотда. Совет Иттифоқининг тинчликсевар сиёсати Конституция лойиҳасида қайд қилиб ўтилди. Бу Конституцияга ташқи сиёсат тўғрисидаги махсус боб биринчи марта киритилди.

Совет ташқи сиёсати, деди Юсуф Муҳаммад Дауд, совет халқи манфаатларини ҳимоя қилиш мақсади билангина чекланиб қолмайди. Комиссия лойиҳаси шу нарсани аниқ кўрсатиб турибдики, жаҳон коммунистик ҳаракатининг позицияларини мустаҳкамлаш, халқларнинг миллий озодлик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаш ҳам бу Конституциянинг мақсадидир.

БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛИШДИ

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Ж. Картер Оқ уйда Англия ташқи ишлар министри Д. Оуэн билан учрашди. Д. Оуэн Родезия масаласи юзасидан Америка ҳукумати билан маслаҳатлашиб олмоқ учун бу ерга келган эди. Учрашувда АҚШ давлат секретари С. Вэнс қатнашди.

Оқ уй ана шу учрашувда асосан Жанубий Африкадаги ва Родезиядаги вазият ҳамда бу вазиятнинг ривожланиш истиқболлари, шунингдек умумий халқаро проблемалар муҳокама этилганлигини расмий эълон қилди. Маҳаллий обзорчилар таъкидлаб ўтганидек, томонларнинг музокаралардан кўзатган асосий мақсади иркчи режимнинг бошлиғи Смитнинг кейинги ҳаракатлари муносабати билан АҚШ ва Англиянинг Родезия проблемасига ўзаро келишиб бир хилда ёндашув йўлларини ишлаб чиқаришга уринишдан иборат бўлган. Англия—Америкаларнинг Родезия ҳақидаги плани аслида мамлакатда озчиликни ташкил этган оқ танлилар ҳукмронлигини сақлаб қолишга қаратилган бўлишига қарамай, Смит бу планни рад этган эди.



ЯПОНИЯДА «Атом ва водород қуролини таъқиқлаш учун ягона кураш комитети» тузилди. Суратда: ташкилотнинг кенгайтирилган мажлиси ўтаётган пайт.

Жапан Пресс—ТАСС фотоси.

ҚАТЪИЙ ЗАРБА

ЛУСАКА. (ТАСС). Смит қўл остидаги иркчилар режими мустақил Замбияга қарши яна иғвогарлик қилди. «Хавфсизлик кучлари»нинг чегарада жойлашган бўлинмалари аҳоли яшайдиган Фейра пунктида Замбия территориясини қаттиқ тўпга тутдилар. Президент маҳкамаси Замбия чегара посбонлари иғвогарларга қатъий зарба берганлигини маълум қилди. Чегара посбонлари жавоб тариқасида ўт очиб, жазо отрядларининг аскарларига катта талафот етказдилар ва улар доим ҳужум бошлаб турган лагерни тамомила яксон қилдилар.

Зимбабве ватанпарварларининг миллий озодлик йўлидаги курашини қатъий қўллаб-қувватлаётган Замбия республикаси Солсбери режимининг тўхтовсиз давом этаётган иғвогарлиги учун бир майдон бўлиб қолди. Кейинги икки ҳафта ичидагина Смит ҳарбийларининг 4 марта қилган агрессив ҳужуми даф этилди. Президент Кеннет Каунда яқинда Замбия Родезия билан аслида уруш ҳолатида турибди, деб эълон қилди ва халқни мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга чақирди.

«Замбия дейли мейл» газетаси Смит тўдасининг навбатдаги ҳуружи бардош бўлганлигини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: Замбия халқи озодлик йўлидаги курашда Зимбабведаги ўз қардошларига ёрдам бериш каби муқаддас бурчига содиқ бўлиб қолмоқда.

„УМУМИЙ БОЗОР"ГА АЪЗО БЎЛИШГА ҚАРШИ

МАДРИД. Бу ерда министрлар кабинетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Бу мажлисда Испанияни Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо қилиб олиш тўғрисида музокаралар бошлашни расмий равишда сўраб мурожаат этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мамлакатда маъмурларнинг Испанияни «Умумий бозор»га жалб этиш ниятларига қарши оппозиция кучайиб бораётганлигига қарамай, ҳукумат ана шу қарорни қабул қилди.

Шу муносабат билан савдо-саноат доираларининг вакиллари ва кўпгина матбуот органлари, жиддий ташвишга тушиб қолганликларини билдирмоқдалар. Жумладан, Испаниянинг таниқли экономисти Хосе Антонио Гальедо Гредилья мамлакатнинг Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши «Европа гигантлари учун Испания экономикасига суқулиб кириш йўлини очиб берган бўлур эди», деб таъкидлади.

Л. Н. ТОЛСТОЙГА БАҒИШЛАНАДИ

КЕЛГУСИ йил октябрь ойида улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой туғилган кунига 150 йил тўлади. СССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари комитети ана шу шонли санага бағишлаб китоблар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу йил ва 1978 йилда Л. Н. Толстой асарлари, ёзувчи тўғрисидаги китоблар, мемуарлар, мактублар, эсдаликлар, шунингдек альбомлар, графика асарлари босиб чиқарилади. Бу нашрлар рус тилида, СССР ва чет мамлакатларидаги бошқа халқларнинг тилларида жами 25 миллион нусхадан кўпроқ чоп этилади.

«Художественная литература» нашриёти келгуси йили ёзувчининг 22 томли асарлар тўпламини чиқара бошлайди. «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Тирилиш» романлари, шунингдек повесть ва ҳикоялар кўп нусхада нашр этилади. Л. Н. Толстойнинг асарлари «Классиклар кутубхонаси»да босмадан чиқади. Ёдгорлик ва совға нашрларини ҳам тайёрлашга қарор қилинди. Л. Н. Толстой асарлари ва унинг ижодига бағишланган адабиёт кўпгина республика нашриётларида чоп этилади.

(ТАСС хабари).

ТУРКИСТОНЧИ СОЛДАТЛАР ОКТЯБРЬ ВАХТАСИДА



Ҳарбий ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

№ 153



Суратда: Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко машғулотда ўрнак кўрсатган танкчиларга миннатдорчилик билдирмоқда.

ШОНЛИ ОКТЯБРЬ ТАНТАНАСИНИНГ ТАРИХИЙ 60 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНАДИГАН ДАМЛАР ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА. БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАТОРИ БУТУН ПРОГРЕССИВ ИНСОНИЯТ БУ ТУЙГА КАТТА ТАРАДДУД КЎРМОҚДА. ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ СОЛДАТ ВА ОФИЦЕРЛАРИ ҲАМ БУ САНАНИ ЎЗ ПОСТЛАРИДА ЯНАДА СЕРГАК ТУРГАН, ҚУДРАТЛИ ТЕХНИКАНИ ПУХТА ЭГАЛЛАБ, ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРГАН ҲОЛДА КУТИБ ОЛИШМОҚДА. ҚУЙИДАГИ САҲИФАДА ОКРУГ ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ОКТЯБРОЛДИ ВАХТАСИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.

ҚЎМОНДОН ТАШАККУРИ

РАКЕТАЧИЛАРНИНГ ёзги машқлари кўтаринки руҳда бошланди.

ҲАР бир солдат назарий билимини амалда синаб кўрадиган масъулиятли дамларда тенгдошидан орқада қолмасликни истарди. Шунинг учун ҳам ҳар бир машғулот юксак ташкилий билан ўта бошлади. Ракетачилар ўқув майдонларида ва синф хоналарида ўрганганларини кимсасиз чўл ва тоғ ёнбағирларидаги мураккаб шароитларда синаб кўра бошладилар. Жангчи ракетачилар округнинг бошқа бўлинма солдатлари қатори шу кунларда Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун эммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этиш ишқи билан ёнмоқдалар.

Ёзги таълим давомида кўплаб комплекс машғулотлар ўтказилди. Бироқ ана шу машғулотларнинг энг сўнггиси аввалгиларга қараганда анча оғир ўтди. «Душман» қутилмаганда кучли отишмалар билан ҳужум қилиб қолди. Жанг майдони бутунлай нотаниш эди: бўм-бўш яланглик ва паст-баланд тоғли довонлардан иборат эди. «Душман»нинг зарбасини қайтариб, қарши ҳужумга ўтган бўлинма операцияни муваффақиятли якунлади. Бунда айниқса жангчи ракетачиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Машқдан кейин Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко ракетачиларнинг юксак маҳоратини алоҳида таъкидлаб, уларга миннатдорчилик билдирди.

Ракетачилар бундай муваффақиятга коллектив меҳнати туфайли эришдилар. Бу ерда «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шиори ҳукмрон. Масалаларни аъло даражада ҳал қилишда офицерлардан К. Зайцев, И. Шевцов, сержант К. Тараненко, прапорщик А. Прокопенко, оддий солдатлар К. Цой, Д. Ҳасанов ва бошқалар айниқса муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ракетачи солдатлар ўртасида партиявий-сиёсий ишлар ҳам мунтазам юксак савияда олиб борилади. Кейинги бир неча машғулотлар СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини атрофлича ўрганишга бағишланди. Ракетачилар ҳаётимизнинг янги қомусидаги ҳар бир сатрларини мукаммал ўрганиб чиқиб, уни қизғин маъқулламоқдалар. Взвод командирининг ўринбосари сержант С. Барабанов суҳбатда шундай деди:

— СССР Конституциясининг лойиҳасида: **«Давлат мамлакатнинг хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлайди»**, — деган жумлалар бор. Биз ана шу ҳаётимиз қомусидаги одилона сўзларга таяниб иш тутмоқдамиз. Янада яхши ўқишга, машғулотларда эса чинакам жангдагидек ҳаракат қилишга интилмоқдамиз. Бу эса бизнинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллик байрамига тортиғимиз бўлади.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ЭКИПАЖИ

«ЙИҒИЛИШ» ҳақида команда берилгандан кейин жангчилар дарҳол белгиланган жойга ошиқа бошладилар.

БИРИ уйига ёзаётган мактубини чала қолдирди, иккинчиси энг қизиқ жойига келган китобига белги қўйиб ёпди. Бир зумда казарма жим-жит бўлиб қолди. Ҳозиргина гавжум бўлган Ленин хонасида ҳам, ўқув синфларида ҳам ҳеч ким қолмади. Бир неча минут ўтмасданоқ ҳамма техника сақланадиган паркда сафга тизилди.

Командир бўлажак операцияни қисқа ва лўнда қилиб тушунтиргач, солдатларга савол билан мурожаат қилди.

— Ҳаммага тушунарлими? Саволлар йўқми?

Машиналар белгиланган район томон йўлга чиқди. Ана шу жанговар техникаларнинг бирини прапорщик Б. Ниёзов командирлик қилаётган алоқачилар экипажи бошқариб бормоқда. Тақдирни қаранг-ки, экипажнинг барча аъзолари тошкентлик йигитлар. Қозоқ йигити оддий солдат Р. Мамадалиев уларнинг энг кенжатойи. Туркман младший сержант А. Турдиев ва рус ефрейтор Г. Шаповаловлар ҳарбий хизматда кўзлари анча пишиб қолишган. Гарчи улар ҳозирча иккинчи класс мутахассислари бўлишса-да, амалда биринчи класслилар ишини қилишмоқда. Уларнинг командири Б. Ниёзов эса — ўзбек. Ҳамшаҳар қуролдошлар энг масъулиятли операцияларни ҳам муваффақиятли бажармоқдалар.

...Жанговар машина бир маромда олға интилади. Юлдуз тўла осмон, чор-атрофни ўраб олган баланд тоғлар жангчилар кайфиятини кўтариб юборган. Улар илгонини бўлиб кетган йўлдан машинани елдек учириб боришар экан, ўз жанговар вазифаларини тобига етказиб бажаришарди. Масалан, оддий солдат Р. Мамадалиев машинани бошқармоқда. Командир эса картада маршрутни аниқлаб бормоқда. Экипажнинг бошқа аъзолари эса алоқа аппаратураси билан ишламоқдалар.

Экипаж белгиланган ерга муддатидан илгари етиб келди. Б. Ниёзов мураккаб чўл шароитида аниқ йўлни топиб, вазифани бажаришга муваффақ бўлди. Бунда унинг картани яхши билиши катта ёрдам берди. Йигитлар вақтни ўтказмай аълоқа станциясини ўрнатишга киришдилар. Чарчаганлари шундоқ сезилиб турса-да, йигитлар дам олиш ҳақида сира ўйламасдилар. Ҳозир уларнинг бутун фикру-хаёллари командирни тезроқ алоқа билан таъминлаш, қисқа муддатда ўзларига топширилган вазифани бажаришга қаратилганди.

...Жангчилар бир-бирларига ёрдам бериб тез орада радиостанцияни ўрнатдилар ва душман кўзидан паналаб қўйдилар. Сўнгра эфир бўйлаб позивнойлар янгради. Тез орада жавоб ҳам келди. Кейин эса командирнинг қисқа ва аниқ «Ташаккур билдираман» деган сўзлари эшитилди.

Бугунги тактик машғулотларда ҳамшаҳар қуролдошлар яна кўпгина мураккаб вазифаларни бажардилар. Улар чўлнинг айқашуйқаш бўлиб кетган йўлларини бўйлаб юриб, алоқа ўрнатдилар, нотаниш тоғ этаги, саҳронинг қоқ ўртасида турли топшириқларни бажардилар. Тошкентликлар экипажининг шахсий составидаги доим топшириқларни аъло даражада бажариб келмоқда.

Қисмда бу йигитларни командирлар ҳам, жангчилар ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Улар доимо ўзларининг намунали хизматлари билан ўрнак кўрсатиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам тошкентлик йигитлар Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига авж олган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг собиқ механизатори Р. Мамадалиев, тошкентлик фотосуратчи Г. Шаповалов, ташсельмашчи-нинчи А. Турдиев ва уларнинг командири — 5-таксомотор паркининг автослесари бўлиб ишлаган Б. Ниёзовлар Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўтамоқдалар. Уларнинг кичик, лекин мустаҳкам ва аҳил коллективи доим олға қадам ташламоқда.

ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

СОЛДАТЛАР хизматининг кун тартибида ихтиёрий вақт ажратилган. Бунда ҳар ким ўз хоҳиш-иродасига қараб иш тутади. Бири бадиий китоб ўқиса, иккинчиси уйга, ота-онаси ва қариндошларига хат ёзади. Яна бири бадиий ҳаваскорлар тўгарагида иштирок этса, бошқаси Ленин хонасида мутолаа қилади.

Солдатларга берилган ана шундай ихтиёрий вақтдан фойдаланиб бўлинма командири майор П. Говорко, младший сержант Т. Шуганов, старшина О. Дустматов, оддий аскар В. Калошинлар билан суҳбатда бўлдик.

— Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинганидан кейин, — деб суҳбатга қўшилди младший сержант Т. Шуганов, — бизнинг комсомол активларимиз маҳаллий радиоузел орқали бир қатор эшиттиришлар ташкил этишди. Сержант Самохин, оддий солдатлар Харумов, Рибалченко ва бошқалар совет демократиясининг бўржуазия системасидан афзалликлари ҳақида цикл эшиттиришлар тайёрлаб, ўзлари ўқиб беришди.

Ана шундай эшиттиришлар давомида социалистик мусобақа илғорлари — жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари сўз олиб, социалистик ҳамкорлик манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш лозим» деган сўзларини қўшишни таклиф қилар эдим.

— Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинганидан кейин, — деб суҳбатга қўшилди младший сержант Т. Шуганов, — бизнинг комсомол активларимиз маҳаллий радиоузел орқали бир қатор эшиттиришлар ташкил этишди. Сержант Самохин, оддий солдатлар Харумов, Рибалченко ва бошқалар совет демократиясининг бўржуазия системасидан афзалликлари ҳақида цикл эшиттиришлар тайёрлаб, ўзлари ўқиб беришди.

Ана шундай эшиттиришлар давомида социалистик мусобақа илғорлари — жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари сўз олиб, орттиришга ҳаракат қилмоқда. Мен ўзим операторлик даражамни бир поғона юқорига оширш билан, электромеханик-дизелист мутахассислигини эгаллашга аҳд қилдим. Бир йўла икки касбни мукаммал ўзлаштириб олиш қийинлигини яхши биламан. Лекин, кишида ирода ва истак бўлса ҳар қандай қийинчиликни енга олишини, мақсадга эришишни ҳам яхши тушунаман. Октябрь байрамигача қўшимча касбни мукаммал ўзлаштириб олишга қарор қилганман. Бу менинг шонли байрамга шахсий совғам бўлади.

МУСОБАҚАДОШЛАР

САФДА икки йигит Шовкат Идрисов ва Владимир Карпухинлар шахдам қадам ташлаб боришмоқда. Яқиндагина бу икки дўст биргаликда ўқув бўлинмасини муваффақиятли тугатишди, ҳозирда эса мустақил механик-инструкторлик қилиш учун сўнгги тараддуд қўришмоқда. Бугун икки жанговар дўст бронедромга яна бир бор маҳоратларини синаб кўришга келишди.

Шовкат Идрисов билан Владимир Карпухин азалдан мусобақадош. Бу сафар ҳам улар ўзаро шартлашиб, жанговар машиналар рулига ўтиришди.

..МАШҒУЛОТ раҳбари тепаликдан туриб машиналарни бошқаришга рухсат берди. Мусобақадош механик ҳайдовчилар машиналарни ёнма-ён илдамлаб боришмоқда. Улар неча ўн мартталаб машғулотларда бугунгидек бирга қатнашишган. Шундай бўлса ҳам иккаласи ҳаяжонда. Ўзича «ютқазиб қўймасмиканман» деб ташвишланади. Ана шу ички ҳис-ҳаяжонни тўхтата олган, операцияга пухта тайёрланган экипаж командири Шовкат Идрисов бундай тўсиқлардан ҳам ўта бошлади. Бироқ, маршрутнинг айрим бўлакларида негадир аниқлик билан иш тутолмади, бунинг устига олдинда «миналаштирилган» майдон турарди. Шовкат Идрисов бундай тўсиқлардан жуда кўп марта ўтган. Машғулотларни аъло баҳога якунлаб, командирнинг ташаккурномаларига ҳам сазовор бўлган. Лекин ҳамиша «миналаштирилган» майдонга келди дегунча ҳаяжонланган-ҳаяжонланган. Эҳтимол бунга дастлабки имтиҳондаги олган «қониқарсиз» баҳоси сабаб бўлгандир. Лекин, кейинги машғулотларнинг ҳаммасида яхши қатнашди. Бироқ ўша дастлабки имтиҳон ҳар сафар унинг кўз ўнгидан кетмас эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Негаки мана шу «миналаштирилган» майдондаги кичик бир ахтисқорсизлик бутун меҳнатни пучга чиқаради. Бу тушунарли албатта. Ҳақиқий жанг пайтида минага тегиб кетиш ҳаёт-мамот кемакдир.

«Миналаштирилган» майдонга бир неча метр қолганда сержант Идрисов машина рулини янада маҳкамроқ ушлаган бўлди, тезликни пасайтирди, оёғи бенихтиёр тормоз тепкисини босди. Олдинган мўлжалини тўғри олганлигя сабабли тўсиқлардан ўтишда унчалик қийналмади. Сержант енгил нафас олди. Белгиланган маррада машинани тўхтатиб, кабинадан сакраб тушди-да, машғулот раҳбарига рапорт берди.

— Баракалла, 1-даражали натижа кўрсатдинг. Бунинг устига барча тўсиқлардан ҳам дадил ўтдинг.

Шовкат қулиб турарди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳозирда унинг эсига ўзи таълим олган Янгийўлдаги 6-мактаб директори Борис Андреевич Алакин тушди. У Шовкатга «ишончимизни оқладинг» деяётгандек туюларди.

Шовкат Идрисовнинг мусобақадоши Владимир Карпухин ҳам бу машғулотда аъло баҳо олди. Бироқ у маррага дўстига қараганда бир неча секунд кечикиб келди. Икки дўстнинг бу сафаргги мусобақасида Шовкат Идрисов ғолиб келди.

Владимир Карпухин дўстини қутлар экан шундай деди:

— Табриклайман! Кейингисида ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қиламан, хушёр бўл!

Тошкент областидан хизматга отланган бу икки йигит армияда яқин дўст бўлиб қолишди. Улар йигитлик бурчини ўтаб, тинч меҳнат қучоғига қайтишганда ҳам ўзаро мусобақалашишга келишиб олишган.

Мусобақа давом этади.

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧИ — СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИ ПУХТА ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҲАР ҚАНДАЙ АГРЕССОРГА ДАРҲОЛ ЗАРБА БЕРИШНИ ГАРАНТИЯЛАЙДИГАН ДАРАЖАДА ДОИМИЙ ЖАНГОВАР ТАЙЁР БЎЛИБ ТУРИШДИР.

(СССР ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИДАН).

Йўл узоқ ва оғир эди. Шунга қарамай тонгга яқин колонна кўрсатилган районга ўз вақтида етиб келди.

Бироз танаффусдан сўнг энг яхши ҳайдовчиларга машқда кўрсатган маҳоратлари учун ташаккур мактублари топширилди. Улар орасида Р. Мамадалиев ҳам бор эди.

...Ҳозир жангчиларнинг ҳар бир дақиқа вақти ўлчоғлик. Жанговар техникани душман кўзидан яшириш биланоқ машғулотларни бошлаш ҳақида буйруқ бўлади. Асосий эътибор нормативларни бажариш савиясига қаратилмоқда. Бу, албатта бежиз эмас. Чунки олдинда чинакам жанговар машқлар турибди.

Машғулотлар ўзига хос мусобақа ҳамдир. Прапорщик Б. Ниёзов ўз йигитларининг ҳар бир ҳаракатини эътибор билан кузатмоқда, блокнотига нималарнидир ёзиб, дўстларининг хатоларини кўрсатиб бермоқда. Машқлар жараёнида жангчилар жуда кўп муражаб элементларни бажардилар.

Тез орада яна янги буйруқ янгради. Экипажда маълум бир нуқтагача мустаҳил ҳаракат қилиб бориш ва командирни алоқа билан таъминлаш топширилди. Ҳа, алоқачиларнинг бутун билим ва маҳоратларини кўрсатадиган чинакам синов пайти эди келганди. Саратон қуёши аямай қиздираётган саҳро бўйлаб жанговар машина бир маромда олға интилади. Кун қизигандан қизиб кетган, тиқ этган шамол йўқ.

Экипаж белгиланган ерга муддатидан илгари етиб келди. Б. Ниёзов мураккаб чўл шароитида аниқ йўлни топиб, вазифани бажаришга муваффақ бўлди. Бунда унинг картани яхши билиши катта ёрдам берди. Йигитлар вақтни ўтказмай аълоқа станциясини ўрнатишга киришдилар. Чарчаганлари шундоқ сезилиб турса-да, йигитлар дам олиш ҳақида сира ўйламасдилар. Ҳозир уларнинг бутун фикру-хаёллари командирни тезроқ алоқа билан таъминлаш, қисқа муддатда ўзларига топширилган вазифани бажаришга қаратилганди.

...Жангчилар бир-бирларига ёрдам бериб тез орада радиостанцияни ўрнатдилар ва душман кўзидан паналаб қўйдилар. Сўнгра эфир бўйлаб позивнойлар янгради. Тез орада жавоб ҳам келди. Кейин эса командирнинг қисқа ва аниқ «Ташаккур билдираман» деган сўзлари эшитилди.

Бугунги тактик машғулотларда ҳамшаҳар қуролдошлар яна кўпгина мураккаб вазифаларни бажардилар. Улар чўлнинг айқашуйқаш бўлиб кетган йўлларини бўйлаб юриб, алоқа ўрнатдилар, нотаниш тоғ этаги, саҳронинг қоқ ўртасида турли топшириқларни бажардилар. Тошкентликлар экипажининг шахсий составидаги доим топшириқларни аъло даражада бажариб келмоқда.

Қисмда бу йигитларни командирлар ҳам, жангчилар ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Улар доимо ўзларининг намунали хизматлари билан ўрнак кўрсатиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам тошкентлик йигитлар Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига авж олган социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бормоқдалар. Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг собиқ механизатори Р. Мамадалиев, тошкентлик фотосуратчи Г. Шаповалов, ташсельмашчи-нинчи А. Турдиев ва уларнинг командири — 5-таксомотор паркининг автослесари бўлиб ишлаган Б. Ниёзовлар Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўтамоқдалар. Уларнинг кичик, лекин мустаҳкам ва аҳил коллективи доим олға қадам ташламоқда.

СУҲБАТ мавзуи солдат ва офицерлар ўртасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг янги Конституция лойиҳаси қандай муҳокама қилинаётганлиги ҳақида бўлди. Сўзни биринчи бўлиб бўлинма командири П. Говорко бошлаб берди.

Бизнинг ленинчи партиямиз, Совет ҳукумати мамлакатимиз ҳавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлашда доимо катта аҳамият бериб келмоқда. Совет кишиларининг тинч ижодий меҳнатини сергаклик билан қўриқлаётган шонли Қуролли Кучларимизнинг посбонлари Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, ўз постларида сергак туришибди. Шу жумладан бизнинг бўлинмамиз солдат ва офицерлари ҳам ана шу шонли юбилейни жанговар техникани мукаммал ўзлаштириб, ҳарбий билимларни пухта эгаллаган ҳолда кутиб олишга интилмоқдалар.

СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси матбуотда эълон қилинганда дарҳол бўлинмамизда бу муҳим ҳужжат атрофлича ўрганиб чиқилди. Совет демократиясининг афзалликлари ҳақида суҳбатлар ўтказилди.

Конституция лойиҳасининг 68-моддасида шундай дейилган: **«Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қўмаклашиш СССР граждани-нинг интернационал бурчидир»**.

Шонли Қуролли Кучларимизнинг солдат ва офицерлари социализм ғалабаларининг ҳимоячилари бўлган Варшава Шартномаси мамлакатлари қардош армиялари жангчилари билан бир ният — Тинчликни ҳимоя қилиш мақсадида иш тутмоқдалар.

Ана шуни назарга олиб Конституция лойиҳасининг 31-моддаси учинчи абзацидаги: **«СССР Қуролли Кучларининг халқ олдидаги бурчи — социалистик Ватанни пухта ҳимоя қилиш, ҳар қандай агрессорга дарҳол зарба беришни гаранти-лайдиган даражада доимий жанговар тайёр бўлиб туришдир»**, — деган сўзларидан кейин: **«Барча Совет давлати уларга, ота-оналарига, қариндош-уруғларига нималар берганлигини ҳикоя қилиб бериш билан бирга, ўзларининг келажакдаги орзу-режалари билан ҳам ўртоқлашдилар.**

Конституция лойиҳасида шундай сатрлар бор: **«СССР граждани Совет давлатининг манфаатларини ҳимоя қилиши, унинг қудратини ва обрўйини мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир СССР граждани-нинг муқаддас бурчидир»**.

Биз ҳозирда Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганлигимиз, гражданлик бурчимизни шараф билан ўтаётгандигимиздан беҳад хурсандмиз.

Старшина О. Дўстматов сўз олади.

Ҳозирда барча совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўзаро мусобақани қизитиб меҳнат қилмоқда. Серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари эришаётган ютуқлар ҳақида радиода эшитиб, газетада ўқиб турибмиз. Бу меҳнат зафарлари бизни ўз постимизда доимо сергак туришга, қудратли техника сирларини эгаллаб, ҳарбий билим ва маҳоратимизни тинмай ошириб боришга даъват этади. Биз солдатлар ҳам Октябрь байрамини ўз совғаларимиз билан кутиб олишга аҳд қилганмиз. Мен хизмат қилаётган взводдаги йигитларнинг ярмидан ортиғи жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларидир. Мақсадимиз Октябрь байрамигача ҳамма «Аълочи солдат» нишонига эга бўлиш. Бу бизнинг шонли байрамга муносиб совғамиз бўлади деган ниятдаман.

Оддий солдат В. Калошин ўз режалари билан ўртоқлашар экан, шундай деди:

Барча совет кишилари қатори биз жангчилар ҳам СССР Конституциясининг лойиҳасини қизғин маъқуллаймиз. Ҳар биримиз социалистик Ватан фаровонлиги йўлида бор билим ва кучимизни ишга соламиз.

Мен хизмат қилаётган операторлар бўлимида ҳар бир солдат бирйўла 2—3 касб раддуд кўрган солдатгина мусобақада ғолиб келишини инкаласи ҳам яхши тушунади.

«Олға!» командаси берилгандан бир неча секунд ўтгач ўзини босиб олган Шовкат машинани чаққонлик билан тўсиқлардан олиб ўта бошлади. Бироқ, маршрутнинг айрим бўлакларида негадир аниқлик билан иш тутолмади, бунинг устига олдинда «миналаштирилган» майдон турарди. Шовкат Идрисов бундай тўсиқлардан жуда кўп марта ўтган. Машғулотларни аъло баҳога якунлаб, командирнинг ташаккурномаларига ҳам сазовор бўлган. Лекин ҳамиша «миналаштирилган» майдонга келди дегунча ҳаяжонланган-ҳаяжонланган. Эҳтимол бунга дастлабки имтиҳондаги олган «қониқарсиз» баҳоси сабаб бўлгандир. Лекин, кейинги машғулотларнинг ҳаммасида яхши қатнашди. Бироқ ўша дастлабки имтиҳон ҳар сафар унинг кўз ўнгидан кетмас эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Негаки мана шу «миналаштирилган» майдондаги кичик бир ахтисқорсизлик бутун меҳнатни пучга чиқаради. Бу тушунарли албатта. Ҳақиқий жанг пайтида минага тегиб кетиш ҳаёт-мамот кемакдир.

«Миналаштирилган» майдонга бир неча метр қолганда сержант Идрисов машина рулини янада маҳкамроқ ушлаган бўлди, тезликни пасайтирди, оёғи бенихтиёр тормоз тепкисини босди. Олдинган мўлжалини тўғри олганлигя сабабли тўсиқлардан ўтишда унчалик қийналмади. Сержант енгил нафас олди. Белгиланган маррада машинани тўхтатиб, кабинадан сакраб тушди-да, машғулот раҳбарига рапорт берди.

— Баракалла, 1-даражали натижа кўрсатдинг. Бунинг устига барча тўсиқлардан ҳам дадил ўтдинг.

Шовкат қулиб турарди. У ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳозирда унинг эсига ўзи таълим олган Янгийўлдаги 6-мактаб директори Борис Андреевич Алакин тушди. У Шовкатга «ишончимизни оқладинг» деяётгандек туюларди.

Шовкат Идрисовнинг мусобақадоши Владимир Карпухин ҳам бу машғулотда аъло баҳо олди. Бироқ у маррага дўстига қараганда бир неча секунд кечикиб келди. Икки дўстнинг бу сафаргги мусобақасида Шовкат Идрисов ғолиб келди.

Владимир Карпухин дўстини қутлар экан шундай деди:

— Табриклайман! Кейингисида ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қиламан, хушёр бўл!

Тошкент областидан хизматга отланган бу икки йигит армияда яқин дўст бўлиб қолишди. Улар йигитлик бурчини ўтаб, тинч меҳнат қучоғига қайтишганда ҳам ўзаро мусобақалашишга келишиб олишган.

Мусобақа давом этади.



Танаффус пайти. Солдатлар севимли «Красная звезда» газетасининг янги сонида босилган хабарлар билан танишишмоқда.



Тактик машғулот пайти.

А. Асанов ва Ю. Какарунов фотолари.

Саҳифани «Фрунзовец» газетаси ходими Э. ПОПОВ, ва «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Ш. УМУРЗОҚОВ, А. АБДУЛЛАЕВлар уюштирдн.

ПОЛОТНО ҚАҲРАМОНЛАРИ — ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

РАССОМ ИЖОДХОНАСИДА

БУГУНГИ кунда рассом бормаган биронта ҳам зарбдор қурилиш йўқ. Мўйқалам соҳиби чизган картиналар, график чизмалар, расмлар орқали томошабин мазкур завод ёхуд корхона цехларида меҳнат қилаётган илғорлар ёнига ёки клубларда қизғин баҳслашаётган ёшлар олдига ҳаёлан боради, уларнинг иши билан танишади, интилишларини тасаввур этади...

Еш рассом Алишер Мирзаев устахонасига кирганимизда биз ана шундай ҳодисани бошдан кечирдик. Бу мусаввир устахонасида қурилиш ва меҳнат қаҳрамонларига бағишланган жуда кўп асарлар яратилган ва яна янги асарлари пайдо бўлмоқда, мўйқаламидан жило топмоқда.

А. Мирзаев ўтган йили бир группа ўзбек рассомлари билан биргаликда БАМга бориб келди, у ердан қаламда чизилган анчагина этюдлар, эскизлар олиб қайтди. Агар асарларни кўздан кечирсангиз, улар сизга ҳозир БАМда бўлаётган воқеалар ҳақида, гўзаллик ҳамда ҳаётга чексиз муҳаббат тўғрисида ҳаяжонли ҳикоя қилиб беради.

— БАМда ишлаётганларнинг кўпчилиги романтик, юрагида ўти бор, билак мускулларида қуввати чатнаб турган ёшлар. Мен улардан кўп нарса ўргандим, уларнинг интилишларида замондошларимиз мақсади намоёндир. Умуман сафар мен учун жуда ҳам фойдали бўлди, — дейди А. Мирзаев биз билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, сафар таассуротлари асосида яратилган расмлар, портретлар, «Синтез» ансамбли БАМ қурувчилари меҳмони», «Агитпоезд», «БАМ станцияси» ва бошқа бир талай асарлари ёш рассомнинг ҳаётга чуқурроқ кириб бораётганлигидан гувоҳлик беради.

Аслида Алишер Мирзаев томошабинларга «Тўй» номли ижодий иши билан танилди. Ундан кейинги яратилган «Оналик», «Буви ва набира» полотнолари эса унинг тасвирий санъати ўз услубига эга, ўйчан, жиддий рассом эканлигини тасдиқлади.

Мирзаев 1968 йили П. Бенков номидаги Тошкент рассомлик санъати билим юртини муваффақиятли тугатди ва Москвага ўқишга кетди. Москвада у Суриков номидаги рассомлик санъати институтининг улкан рассом ва ажойиб сураткаш Д. Жилинский синфида таҳсил кўрди. У ўз устида қунт билан ишлади, изланди, буюк тасвирий санъат усталаридан мерос қолган қадимги асарларни ўрганди. Институтни битиргач, 1974 йили Тошкентга қайтади. Аллақачон у рассом сифатида танилиб қолган эди. Келиши билан республикамиздаги рассомлик санъати ҳаётига актив аралашиб кетди ва маълум ижодий ютуқларни қўлга киритди.

Москвадаги устозлари Д. Жилинский ҳамда А. Грицайлардан у унча катта бўлмаган полотноларга тасвир масштабини жуда яхши ўрганди.

Мусаввирнинг илк ижодида асосий тема инсон образи — замондошларимиз эди. Унинг портретларида ҳамиша аниқ ташқи қиёфа, айрича бир шахснинг тасвири берилади. Бу орқали рассом ўша шахснинг энг асосий ва характерли белгиларини тасвирлашга интилади, ҳеч ким илгай олмаган томонларини кўради.

Санъатшунослар тасвирий санъатдаги замонавий мавзу борасида тез-тез баҳслашиб турадилар. Бизнингча, баъзи бир рассомлар чизиб ташлаганидек, ўз қаҳрамонларини каттароқ қурилиш ёки колхоз ва совхоз фермаларининг ёнида тасвирлаш билан у асар замонавий бўлиб қолавермайди. Бизнинг назаримизда рассом ниманики яхши билса, яхши севса, яхши тушунса ўшани тасвирга сингдира олсагина замонавий асар яратилган бўлади ва замонамизга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда А. Мирзаевнинг кейинги яратган асарлари диққатга сазовор. Унинг «Ўқитувчи М. Аҳмедов портрети» асари фикримизнинг яққол гувоҳи. Мусаввир бу асарида ўзининг оддийлиги, ҳаётийлиги билан ажралиб турувчи камтарин, меҳнаткаш образини акс эттирган. Тасвир жонли, табиий, ўқитувчиларга хос характер ва қиёфада берилган. Қаҳрамон нигоҳидан унинг ички оламини ҳам англаш мумкин: ниятн самимий, пок ва бегубор. Шунингдек, унинг «Милиция офицерининг портрети», «Рассом портрети» асарлари ҳам қизиқарли. Инсон образини яратишда Алишер Мирзаев ўзининг бутун билимини, маҳоратини ишга солади, ўз ижодий ишига меҳру муҳаббат билан ёндошади.

Мирзаев тезкор рассомлардан эмас. У бир картина устида узоқ вақт ишлайди. Яратаётган асарининг ҳар бир парчасини тасвирлаш учун кўп ўйлайди, катта этюдлар чизишда ҳам жиддий иш олиб боради. Аввало қалам, перо, тушь билан жуда кўп нусхалар чизиб, бирор тўхтамга келгандан кейингина ишга киришади. Ишлаш жараёнида ҳам кўпгина ўзгартишлар киритади. Жумладан, у ўзининг «Тўй» картинаси устида ана шундай узоқ вақт ишлади. Асар ўзбек халқининг ўзига хос тўй одатларини тасвирлашга қаратилган. Рассомни маҳаллий тўй ва уни тасвирлашдаги бой ранг қизиқтиради. Дарҳақиқат, картина ранглари жуда ҳам бой бўлиб, унда рассом ҳаётда кўрган воқеа акс эттирилганлиги туфайли томошабинларга ҳам яқин ва таниш-дай туюлади.

«Хотира» триптихи — бу болалик хотираси. Лекин мўйқалам соҳиби унда бугунги кун ҳароратини, дазр нафасини беришга муваффақ бўлган. Айниқса, триптихнинг марказий қисми — «Она» бўлими маҳорат билан чизилган.

Алишер Мирзаевнинг сюжетли-тематик соҳадаги биринчи жиддий иши «Муқимий» полотносидир. Рассом машҳур ўзбек шоири образи орқали оддий инсонийликни юксак поғонага кўтаришга эришган.

Мусаввир ўз она шаҳри мавзусида ҳам кўплгина расмлар яратган. «Эски Тошкент», «Эски ва янги Тошкент», «Халқимнинг одати ва ҳаёти» ва бошқа асарлари шулар жумласидан.

Алишер эришган ютуқлари билан кифояланиб қолмайди, балки ҳамиша янгилик яратишга интилади. Янги-янги таассуротлар уни ўз багрига оҳанграбодай тортади. Чунки деярлик барча областларда, республикамизнинг узоқ колхоз ва совхозларида бўлган.

А. Мирзаев ўз асарлари билан рассомларнинг республика ҳамда Бутуниттифоқ кўргазмаларида қатнашиб келмоқда. Ҳозир бу ёш рассом Улуғ Октябрь революциясига бағишланган рассомларнинг улкан кўргазмасида иштирок этиш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. «Менинг замондошим» деган туркум картиналар устида ишламоқда.

Алишер Мирзаевнинг ижодий изланишида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
Э. МУҲАМЕДОВ.



РАССОМ А. Мирзаев чизган суратлар. 1. Она. 2. Милиция офицери. 3. Қўйбоқар бола. Т. Одилбеков фоторепродукцияси.



ТОШКЕНТДАГИ мил лий музика асбоблари фабрикаси маҳсулотига талаб йил сайин ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш муттасил кўпаймоқда. Бу йил ҳаммаси бўлиб 1 миллион 600 минг сўмлик турли хил музика асбоблари тайёрланади. Ушбу суратда илғор пардозловчилардан Роза Сеитимбетовани кўриб турибсиз. У нормани 130—135 процентдан бажармоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

СЕНТЯБРГА ТАХТ

ПОЙТАХТНИНГ Октябрь райони халқ маорифи ходимлари янги ўқув йилига тайёргарликни июлдаёқ тамомладилар. Райондаги 47 та мактаб тўла ремонтдан чиқарилди.

— Ремонт ишларида кенг жамоатчилик, ўқувчилар, оталиқ ташкилотлари катта ёрдам бердилар, — дейди халқ маорифи мудирининг ўринбосари Ж. Содиқов. — Оталиқ ташкилотларидан «Узглавснаб», «Узбекгидроэнергострой», қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Узглавводстрой» ва бошқа ташкилотлар қурилиш материаллари ва 50 минг сўмдан ортиқ пул ёрдами беришди. 159 трест бинокорлари эса Октябрь массивида 1176 ўринли мактаб ва «Мариаз-26» да 1456 ўринли 41-мактаб биноларини қуриб, сентябрга тахт қилиб қўйдилар.

Райондаги 243, 115-каби типовой мактабларнинг ремонт ишлари жамоатчилик ва ўқувчилар бригадалари ёрдамида олиб борилганлиги туфайли 20 минг сўм маблағ тежаб қолинди. Райондаги бир қатор мактабларда қўшимча синф хоналари қурилиб, улар янги ўқув қуроллари билан таъминланди.

Мактаблар биринчи қўнғироққа шай.

С. СУЛТОНОВ.

БЕНЗИН ИСРОФ БЎЛМАЙДИ

РЕСПУБЛИКА нефть базаларида жорий қилинган мослама бензиннинг бугланиб кетишини 90—95 процент камайтиради. Худди қопқоқдек махсус тўр халқа ёқилғининг устида сузиб юради. Бензиннинг учиб кетишини камайтиради. Идиш қисман тўлдирилган бўлса ҳам, бензин ҳавога чиқмайди. Демак, ҳозирги иссиқ кунларда ҳам бугланмайди. Бундай қопқоқларнинг қўлланилиши битта ўртача ҳажмдаги идишнинг ўзидаёқ бир йил мобайнида 100 минг сўмдан ортиқроқ маблағни тежаш имкониятини беради.

(ЎзТАГ).

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

ТОШКЕНТЛИК композитор Нурулла Зокировнинг янги асари — Султон Қўқонбеков шеърига ёзилган «Ватаним» кантатаси учун Туямўйин гидроузели, Чорвоқ ГЭСи қурилишига, республика колхоз ва совхозларига қилинган сафарлардан, қадрдон ўлка одамлари билан бўлган учрашувлардан олган ёрқин таассуротлар асос қилиб олинди. Шеърларда мамлакатимизнинг қаҳрамон ёшлари тўғрисида, даҳшатли уруш йиллари ҳақида, ҳозирги кунимизда коммунистик ғояларнинг ғалабаси тўғрисида ҳикоя қилинади.

Кантатани биринчи марта В. Неймер бошқаришида Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри ва дирижер Х. Воҳидов раҳбарлигида Ўзбекистон давлат филармония хор капелласи ижро этади.

«Ватаним» лирик-қаҳрамонлик асари Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган. Композитор умумхалқ байрамига яна битта асар — хор ва балет оркестри учун «Октябрь йўлларн» ораторияснни тайёрламоқда. У бу асарида машҳур ўзбек шоирларининг шеърларига музика ёзишни мўлжаллаб турибди.

(ЎзТАГ мухбири).

Қизиқарли учрашув

ПОЙТАХТДАГИ Тўқимачилар маданият саройида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультети сиртқи бўлими студентларининг Улуғ Октябрининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга институт профессор-ўқитувчилари, меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари таклиф қилинди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саттор Хўжаев, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, «Вафодор» романининг автори, ёзувчи Вали Ғофуров, Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат белгиси орденларининг кавалери Қосим Маҳмудов, Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, қатор жанговар орден ва медаллар кавалери Мели Муҳамедов, халқ маорифи аълочиси, тарихчи Латиф Охуновларни залда йиғилганлар самимий кутиб олишди.

Конференцияда ёзувчи Вали Ғофуров, тарих факультетининг декани С. Телеқуловларнинг суҳбатларн зўр қизиқиш билан тингланди. Шунингдек, меҳнат қаҳрамонлари ва аълочи студентларнинг чиқишлари ҳам яхши таассурот қолдирди.

Х. НОСИРОВ.


ЯНГИ МАРШРУТ

ЖОНАЖОН Тошкентимиз кун сайин кенгайиб ва гўзаллашиб бормоқда. Пойтахтнинг ҳар бир куни кўплаб янгиликларга бой.

Яқинда шаҳар Шимолида жойлашган Юнусобод массиви аҳолисига яна бир катта қулайлик яратилди. Массив билан Циолковский кўчасини боғлайдиган 12 километрлик пўлат излардан 29-маршрутли трамвай қатнай бошлади.

Янги маршрут Циолковский кўчасидан чиқиб, генерал Петров кўчасида, 3, 20 ва 23-маршрутли трамвайлар билан бир йўналишда «Қозоғистон» кинотеатригача келади. Сўнг Энгельс кўчаси бўйлаб Юнусобод массивининг А-4 микрорайонигача боради. Бу маршрутда 10 та комфортабелли трамвай қатнамоқда.

А. АБДУЖАМИЛОВ.



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Ўзбекистон» колхози маркази тобора чирой очмоқда. Бу ердаги маданият саройи ёшларнинг севимли масканига айланиб қолган. Улар бир неча тўгаракларда қатнашиб бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Суратда: колхоз маданият саройининг умумий кўриниши.

Г. Пун фотоси, ЎзТАГ.

Спорт

СОБИР РЎЗИЕВНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ

Аргентинада қиличбозлик спорти бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати совет спортчиларининг катта устунлигида ўтди. Шамширчилар бахсида В. Назлимов, М. Бурцев, В. Баженов ҳамда А. Никишинлар чорак финалда Польша, ярим финалда эса Италия ва финалда Руминия командаларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони бўлишди.

Рапирачилар беллашувларида терма командамиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар орасида тошкентлик Собир Рўзиев ҳам иштирок этди. У дўстлари А. Романьков, В. Смирнов, В. Станкович ҳамда С. Исаевлар билан Монреалда ўтказилган аввалги биринчиликдагита қараганда бир поғона юқорига кўтарилиб, бронза совриндори бўлди.

ИККИНЧИ ДАВРАНИНГ ДАСТЛАБКИ ТУРИ

Мамлакат чемпионатининг олий лига вакиллари иккинчи давраннинг биринчи тур ўйинларини ўтказишди. Киев динамочилари Куйбишевда «Крилья Советов» билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғолиб келишди ва 22 очко билан ягона пешқадам бўлиб олишди. Тбилиси динамочилари эса ўз майдонларида «Заря» футболчиларини қабул қилиб, учрашувни натижасиз тугатишди ва бир очко йўқотишди. Қолган ўйинлар қуйидагича тугади. «Динамо» (Москва)— «Торпедо» — 1:1, «Арарат» — «Шахтёр» — 1:1, «Карпат» — «Қайрат» — 0:0, «Зенит» — «Днепр» — 1:1.

СПОРТ ЎЙИНЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Еш спортчилар ўртасида шу йилнинг энг йирик мусобақаларидан ҳисобланган ва 27 тур бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ иккинчи спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Енгил атлетикачиларнинг беллашувларида республикамиз вакили И. Чемина 400 метрга югуришда маррага иккинчи бўлиб келди ва кумуш совриндор бўлди. Баландликка сакрашда эса Е. Савельева 180 сантиметр натижа билан учинчи бўлди. Велосипедчиларнинг шоссе пойгасида П. Загриднов иккинчи мукофотли ўринга кўтарилди. Команда пойгасида эса Ўзбекистон вакиллари умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Боксчилар биринчилигида олтин медаль учун рингга чиққан Ўзбекистон вакили А. Шевцов украиналик С. Радкевичга ютқазиб, иккинчи ўринни олди. Боксчиларимизнинг умумкоманда ҳисобидаги натижаси бешинчи ўрин бўлди.

Ёшларнинг Бутуниттифоқ иккинчи спорт ўйинларида республикамиз вакиллари умумкоманда ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллашди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

31-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 1962 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН, УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ САККИЗИНЧИ СИНФИНИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. УЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГРУППАЛАРДА УЗ УҚИШЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ БИЛАН БИРГА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИЛАР (бокс, енгил атлетика, велоспорт, кураш).

Ўқувчилар ўрта маълумот олиш билан бирга қуйидаги касбларни эгаллаб чиқадилар: ТЕПЛОВОЗНИНГ МЕХАНИК ҚИСМИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, ТЕПЛОВОЗНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА УҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ТАЖРИБАЛИ ТРЕНЕРЛАР РАҲБАРЛИГИДА УЗИ ТАНЛАГАН СПОРТ ТУРИ БУЙИЧА УЗ МАҲОРАТИНИ ОШИРИБ БОРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА.

Конкурсга бирон бир спорт тури бўйича спорт тайёргарлигига эга бўлган ёшлар қайтар ҳужжатларини қўйишади: БОКС — 1 ўсмирлар разряди, КУРАШ — 2—1 ўсмирлар разряди, ВЕЛОСПОРТ — 1 ўсмирлар разряди, ЕНГИЛ АТЛЕТИКА — 1 ўсмирлар разряди.

КОНКУРСДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ УТГАН ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР ВА УЧ МАҲАЛ БЕПУЛ ОВҚАТ, СПОРТ ФОРМАСИ ВА ИНВЕНТАРЛАР БИЛАН ТАЪМИН ЭТИЛАДИ. Энг яхши спорт базаларида машқ қилиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўқувчилар ўрта ҳунар-техника билим юртлари форма кийимлари билан таъминланадилар.

СПОРТ ИХТИСОСИ БУЙИЧА СИНОВ НОРМАТИВЛАРИ 16 АВГУСТДАН 19 АВГУСТГАЧА ТОПШИРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (26, 23, 15, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси», 21, 8, 48, 80 «Э»-автобусларнинг «Қозонхона» бекатлари).

Ўзбекистон ССР министрлар Совети
Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ЛЕНИН ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ «ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

87-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: токарлар, фрезерчилар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар, газ-электр пайвандчилар, операторлар, дурадгорлар.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—3 ЙИЛ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента ва ётоқхона билан таъминланадилар.

ЗАВОД ҚОШИДА КЕЧКИ МАКТАБ ВА ТЕХНИКУМ БОР.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга ўрганган мутахассислиги ва ўрта маълумоти тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида, маълумоти ҳақида гувоҳнома мактабдан характеристика, медицина справкаси, (286-форма), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см.).

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Текстильная кўчаси, 7-уй (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбуслар, 2, 3, 18, 45, 50, 54, 58-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-23, 53-95-21, 53-95-26.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Егор Буличев ва бошқалар» (фильм-спектакль). 15.00 — Кинопрограмма. 13.50 — Биз табиат билан танишамиз. 16.15 — «О. Гончар ижоди». 17.00 — «Кенса устанинг васияти» (бадиий фильм, 2-серияси). 18.05 — «Поэзия». 18.35 — Еш бандурачилар ижро этадилар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қўёш акси бор. 19.30 — БАМнинг меҳнат суръати. (1-кўрсатув). 20.00 — М. Мордасова куйлайди. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 21.00 — Бизнинг биография. 1958 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Балет ҳақида 23.45 — Бутуниттифоқ II-ёшлар спорт ўйинларида. 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 11.50 — Бир антер театри. А. Аҳмедов. «Мен Ватан ўғлиман». 12.25 — «Камолот сари» (бадиий фильм). 18.30 — Ленин йўлидан — Октябрь йўлидан борамиз. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15—«Ёшлик». 19.45 — Ахборот. 20.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 20.30 — Нафосат оламида. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Ўзбек халқ қўшиқлари ва рақслари. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Комплекс механизация—пахтачиликнинг бош йўналиши. 22.45 — «Совет Иттифоқи элчиси» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Қора чайка» (бадиий фильм). 20.40 — Янгиликлар. 21.00—Реклама. 21.10 — Концерт. 21.50 — СССР халқ артисти Игорь Ильинский. А. П. Чехов асарларини ўқийди.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Она (кундуз ва кечқурун).

Қўзиқоринҳўр одам — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ВОСТОК», «ҚОЗОҒИСТОН», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кўзғу — «КУКЧА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Атиги бир тун — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сўнган гулханлар тафти — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Зангори осмон остида — «ДРУЖБА» (21.00), С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5 АВГУСТДАН БОШЛАБ МОСКВА «СУВДА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ИККИ БУЛИМДАН ИБОРАТ МУШАКБОЗЛИК ТОМОШАЛАРИ.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг аппарати коллективи обком лектори С. А. Саидакбаровга отаси Саидумар САИДАКБАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ (ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача.
Эълонлар — 338142.
К

Р. 13327. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1670.